Ушбу сонда:
2 ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТИ уни ким таъминлайди?
3 «МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» касаба уюшма қўмиталарига услубий тавсиянома
4 Тиббиёт мўъжизалари ОҒРИҚСИЗ МУОЛАЖА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 17 январ, жума № 10 (1435)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Ғ.С.Қудратовни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ғофуржон Собирович Қудратов Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 16 январ

ҲАМДЎСТЛИК МАМЛАКАТЛАРИ ҲАРБИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ҒАРБ ТАЖРИБАСИГА ТАЯНМОҚДА

Ўзбекистон Қуролли Кучларида ўтказилаётган ислоҳотлар, мамлакатимиз парламенти бу борада қабул қилган янги қонунлар дунё сиёсатчилари, халқаро жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Ўзбекистон армиясидаги ислоҳотлар янгилик сифатида эътироф этилиб, хорижий мамлакатлар матбуотида бу ҳақда мақолалар эълон қилинмоқда. Жумладан, Миср Араб Республикасида нашр этиладиган «Ал-Сиёсий» («Сиёсатчи») газетасининг 2002 йил 22 декабр сонида шу мавзуда мақола чоп этилди.

Қуйида мазкур мақолани эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Марказий Осиёда, айниқса, Афғонистонда террор ўчоғи пайдо бўлиши, собиқ иттифоқнинг парчаланиши туфайли вужудга келган мамлакатларда мавжуд давлат тизимларига қаратилган ақидапарастлик таҳдиди уларни Ҳамдўстлик доирасида бирлашишга ва Россия билан қатор ҳарбий битимлар тузишга мажбур этди. Ҳамдўстликнинг тузилиши биринчи навбатда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, чегаралар дахлсизлигини таъминлашга қаратилган бўлишига қарамай, битимларнинг аксарияти амал қилмас эди. Бунинг натижасида ҳар бир давлат ўзининг чегаралари дахлсизлигини ва барқарорлигини таъминлаш борасидаги талабларига тўла мос келадиган хавфсизлик тизимини яратишга интила бошлади.

1998 йилда афғон толиблари Ўзбекистоннинг чегара ҳудудларини ракеталар билан ўққа тутди. Ўзбекистон, имзоланган битимга мувофиқ, ўзининг чегаралари, хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашда ҳарбий-техникавий ёрдам сўраб Россияга мурожаат қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Россия ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан битимда кўзда тутилган зарур чоралар амалга оширилишини талаб қилди. Бироқ, Россия томонидан ҳеч қандай садо бўлмади. Натижада Ўзбекистон битимдан чиқишини эълон қилди ва Ғарб мамлакатларининг замонавий тажрибасига таянган ҳолда, ўзининг мудофаа қудрати ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Бундай йўналиш Европа ва Америка моделларига асосланган ҳарбий қурилиш тизимига ўтишда ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Парламенти «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунларни қабул қилди.

Янги қонунларга кўра, Қуролли Кучлар сафидаги муддатли хизмат бир ярим йилдан бир йилга қисқартирилди. Қонунлар янги йилдан бошлаб кучга киради ва бу пайтга келиб, ҳарбий хизматга чақирилган ва муддатли хизматни ўтаётган аскарларга нисбатан ҳам татбиқ этилади. Олий ўқув юртлари битирувчилари хизматга фақат тўққиз ойга чақирилади.

Ҳарбийлар ва сиёсий кузатувчилар қуйидагиларни қайд этмоқда: Қуролли Кучларда Шарқ мамлакатларига хос анъанавий модел ўрнига, Ғарб мамлакатларига хос, моҳиятан профессионал армия қарор топа бошлади. Ушбу қадам нафақат Қуролли Кучлар сонини қисқартириш, балки яхши таълим олган, жанговар ва юксак малакали армиянинг яратилиши учун имкон яратади. Бундан ташқари, ҳарбий хизматга муносабат ҳам ўзгаради - у оддий конституциявий бурчни бажаришдан, ҳар бир фуқаро учун шарафли ва фахрли бурчга айланади. Парламент қабул қилган янги қонунлар армияда шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш учун зарур ҳуқуқий асос яратади.

.Янги қонунларнинг қабул қилиниши Қуролли Кучлар ва Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, Ички қўшинлар ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати бўлинмаларининг ташкилий ва бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш ва кучайтиришга берилаётган алоҳида эътибор уни яхши тайёргарлик кўрган, пухта жиҳозланган нуфузли тузилмага айлантиришга қаратилган. Бу ҳамиша, айниқса, ички ва ташқи таҳдид мавжуд шароитда давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов - бутун МДҲ давлатларидаги ҳарбий бўлмаган ягона вазирдир. Ўзбекистон АҚШ ва Европа давлатларининг мудофаа идоралари билан қатор битимлар тузган. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ юксак малакали ҳарбий кадрлар тайёрлаш учун ғарблик мутахассислар жалб қилинади.

ҒАРБ ДУНЁСИДАГИ КАТТА ҚИЗИҚИШ

Матбуотимизда аввал хабар қилинганидек, Германиянинг Фрайбург университети ҳузурида «Немис-ўзбек илмий жамияти» ташкил этилиб, 2002 йилнинг 5 декабрида бу жамиятнинг тақдимот маросими ўтказилган эди. Мазкур жамият раиси Хелмут Рёсслер Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мактуб йўллаб, унда «Немис-ўзбек илмий жамияти» ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни баён қилган. Қуйида ушбу мактуб ўқувчилар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Сизга ва Сиз орқали бутун ўзбек халқига янги йилда бизнинг энг яхши тилакларимизни билдиришга рухсат беришингизни сўраймиз. Янги 2003 йил мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида улкан ва мустаҳкам ютуқлар олиб келсин.

Бизнинг янги ташкил топган илмий жамиятимиз икки давлат ўртасидаги таълим ва фан соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш ниятида. Хусусан, ўқув қуроллари ва икки мамлакатга оид маълумотлар билан алмашувни қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб қўйган.

Буюк ипак йўлида жойлашган Ўзбекистон ўзининг тарихи ва қадимий урф-одатлари билан ҳамда улуғ донишманд ва алломалар Ал-Бухорий, Ал-Мотуридий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Ал-Фарғоний, Улуғбек каби ва бошқа кўплаб жаҳонга машҳур шахсларнинг ватани сифатида ғарб мамлакатларининг диққат марказида туради. Бу ўлканинг индо-герман халқларининг бешиги сифатида қаралиши кўпгина илмий манбаларда, шу жумладан, немис тилидаги манбаларда исботланган. Бугунги кунда немис ва ўзбек илмий тадқиқотчилари ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган. Биргаликда чоп этилган асарлар Ўзбекистоннинг дунёга очиқ қиёфасини ғарб мамлакатларига кўрсатишга ҳисса қўшмоқда.

«Немис-ўзбек илмий жамияти» дастурларининг амалга оширилиши давлатларимиз ўртасидаги илмий алмашувларни чуқурлаштириш ҳамда таълим ва фан соҳаларида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда ёрдам беради. Янги ўқув иншоотларини, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуришда, уларни янги дарсликлар ва ўқув жиҳозлари билан таъминлашда шахсан Сизнинг ташаббусингиз ва бевосита раҳбарлигингиз Ғарб дунёсида катта қизиқиш билан кутиб олинди ва бу ишлар замонавий жамият сари интеграция жараёни сифатида қаралмоқда.

Янги йилда халқларимизнинг эзгу ниятлар йўлидаги интилишлари рўёбга чиқишини тилайман.

Эҳтиром билан,

доктор Хелмут РЁССЛЕР,
Немис-ўзбек илмий жамиятининг раиси,
Алберт Людвиг номидаги Фрайбург университети

Урганчдаги Хоразм вилоят 1-клиник шифохонаси тўлиқ таъмирдан сўнг беморларни қабул қила бошлади. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиши ва ходимлар малакаси жиҳатдан у пойтахтдаги кўпгина шифохоналардан қолишмайди.

ПОЙТАХТДАГИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Шифохонанинг илк биноси 40 йил аввал қурилган эди. Вақт ўтган сайин у талабга жавоб бермай қолди. Кўплаб муҳандислик коммуникациялари яроқсиз ҳолга келди. Ўтган йиллар давомида бу ерда турли таъмирлаш ишлари ўтказилди, қўшимча даволаш бинолари ва қўшимча иншоотлар бунёд этилди. Йигирма йил давомида қабул қилинадиган беморлар сони 200 дан 600 тага ортди.

Вилоят ҳокимлиги бутун шифохона мажмуини тубдан таъмирлаш ва замонавийлаштириш ташаббуси билан чиқди. Хоразмдаги бир неча бирлашмалар, акционерлик жамиятлари ва корхоналар, тадбиркорлар бу ишда иштирок этди.

Таъмирлаш давомида қарийб 1,5 миллиард сўмлик турли қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 100 миллион сўмдан ортиқ маблағ шифохонани турли тиббий ускуналар билан жиҳозлашга сарфланди.

- Вилоят аҳолисига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз,- дейди вилоят шифохонаси бош шифокори Б.Ҳусаинов. - Амалиётчи жарроҳ сифатида айтишим мумкинки, жарроҳлик марказимиз замонавий талабларга жавоб беради. Бошқа бўлимлар ҳам яхши жиҳозланган.

УЧҚУДУҚ ҚАЙМОҒИ

Учқудуқ шаҳрида сутни қайта ишлаш заводи иш бошлаганига бир йилдан ошди. Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлигида барпо этилиб, Исроил технологияси билан жиҳозланган корхона саноатчилар шаҳри аҳолисининг сут маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондирмоқда. Бу ерда бир кеча-кундузда 10 тоннагача сут қайта ишланиб, ўндан ортиқ турдаги сут маҳсулотлари савдога чиқарилмоқда.

Корхона янги йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб тўлиқ қувват билан ишлашга ўтди. Бу эса қаймоқ, сут, қатиқ, йогурт каби маҳсулотлар билан қўшни Зарафшон шаҳри ва Мурунтов қўрғони кончиларини ҳам таъминлаш имконини берди.

Фарғона вилояти Ўзбекистон туман «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан «Эҳсон-Инъом» корхонаси ишга туширилиб, аҳолини макарон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаб келмоқда. Шунингдек, янги иш ўринлари очиш учун 4 миллион 900 минг сўм кредит олинди. Корхонанинг бўрсилдоқ ва сифатли маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда.

Суратда: илғор ишчи Гулнора Мамадалиева.
М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ГАЗ ЎЛЧАГИЧГА НИМА ЕТСИН!

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида хонадонлар 92 фоизи газлаштирилган. Аммо ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, газ кириб келгани билан у доим ҳам пориллаб ёниб турavermайди. Ёқилғи ҳисоб-китоби қатъий йўлга қўйилмагани боис босим кескин пасайиши, қулоқ охиридаги чекка қишлоқларда газ умуман сўниб қолиш ҳоллари кузатилди.

- Шу боис ўтган йил ёз ойидан бошлаб хонадонларга газўлчагич ўрната бошладик,- дейди «Тўйтепагаз» корхонаси бош муҳандиси Олимжон Зоиров. - Бунинг учун корхонамиз қошида 18 та махсус биргада тузилди. Уч-тўрт ой ичида ана шундай мосламанинг 2 минг 840 тасини ўрнатдик.

Бу йил ишни янада кенгайтириб, махсус биргадалар сонини қирқтага етказдик. Режага мувофиқ улар январ-февраль ойларида 1 минг 820 та, кейинги ойларда икки мингта газўлчагич ўрнатади. Шу тариқа йил охиригача 21 мингта газўлчагич ўрнатилади. Бу эса хонадонларда ёқилғи сарфини юз фоиз назорат қилиб бориш имконини беради, газни тежаш билан бирга ҳақ тўлашда адолат қарор топишига ҳам хизмат қилади.

Газўлчагичларни «Ўзкоммунтеххизмат» агентлиги хорижий кредитлар ҳисобига етказиб бермоқда. Абонентлар бошда газўлчагич умумий нархининг 4-5 фоизини тўлайди. Қолганини эса беш йил давомида узади.

(ЎзА).

Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари

ТАДБИРКОРГА

консалтинг хизмати

Кичик ва ўрта бизнесга кенг йўл очиш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини самарали тақсимлаш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда банклар муҳим ўрин тутади.

Шу боисдан «Замин» ипотека банки бошқарувчиси Баҳора Амированинг ишлари кўпайган. Банк жамоаси Президентимизнинг «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни муҳофазалаш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида», «Хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонлари, республика ҳукуматининг қарорларини бажара бориб ислоҳотлар жараёнида фаолликни оширмоқда.

Аниқ мақсадга йўналтирилган амалий ишлар пул-кредит сиёсати инфляция даражасини янада камайтириш, макроиқтисодий барқарорлик, тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилди.

– Ҳукуматимиз иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида молия, банк тизими фаолиятини ҳар томонлама такомиллаштиришга катта эътибор бермоқда, - дейди банк бошқарувчиси. – Энг муҳими кредитлаш тартиби анча соддалаштирилиб микрокредит олиш учун фақатгина 3 та ҳужжатни тақдим этиш лозимлиги белгиланди. Тадбиркорларга кредит ажратиш бўйича мурожаатларни зудлик билан ҳал этиш, бунда ортиқча оворагарчиликка йўл қўймаслик учун аризаларни кўриб чиқиш муддати 5 иш куни қилиб белгиланди.

«Замин» Давлат акциядорлик ипотека банкининг Самарқанд бўлими 1317 мижозга хизмат кўрсатмоқда. Шундан 263 таси деҳқон-фермер хўжаликлари, 355 таси хусусий фирмалар, 294 таси тадбиркорлар, 29 таси давлат корхоналари ҳамда 60 таси масъулияти чекланган жамиятлардир.

Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан микрокредитлар ажратиш соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди. Молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорларни аниқлаш ҳамда рўйхатини тузиш мақсадида ҳокимликлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан ҳамкорликда иш кўрилаяпти.

Банк филиали кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон-фермер хўжаликларини 500 миллион сўмлик кредитлар билан таъминлади. Шундан 108 миллион сўмини бюджетдан ташқари жамғармалар орқали берилган имтиёзли кредитлар ташкил этди.

Самарқанд туманида жойлашган «Мароқанд парранда» шўъба хўжалигига тармоқни ривожлантириш учун 200 миллион сўм кредит ажратилди. Мавжуд 17 та цехда парваришланаётган товуқлар тухум бера бошлади. Эндиликда истеъмолчиларга сифатли пархез гўшти етказиб берилмоқда.

Пайариқ туманидаги «Челак консерва» шўъба корхонасига 5 миллион 500 минг сўмлик кредит берилиб, макарон ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналар ўрнатилди. Айни пайтда сифатли маҳсулотлар республикамиз бозорларида ўз харидорларини топган. Нуробод туманида жойлашган «Шоназар бобо» фермер хўжалиги 3 миллион сўм кредит ҳисобига қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олди. 25 гектар ер майдони ва 150 бош қорамолга эга бўлган бу кичик жамоада мўл гўшт ва сут етиштирилаяпти.

Вилоят бозорларида бўлсангиз «Заршед» ишлаб чиқариш тижорат фирмасида етиштирилган гўшт маҳсулотларини учратасиз. Дастлаб 100 минг сўм кредит билан иш бошлаган корхонада 25 мингта товуқлар боқилмоқда.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ажратилган кредитларнинг 82 фоизи ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган. Самарқанд шаҳридаги «Марҳабо» хусусий фирмаси қурилиш ташкилотларини йўлакча плиткалари, хусусий тадбиркор Маҳмуд Валиев шаҳар аҳолисини ва корхоналарни шлакаблок, Пастдарғом туманидаги ишбилармон Барно Иброҳимова шифохона ва болалар боғчаларини турли неъматлар билан таъминлашаяпти. Уларнинг кўпчилиги ажратилган кредитларнинг асосий қисмини қопладилар.

Келгусида банк филиали деҳқон-фермер хўжаликлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит ажратиш кўламини кенгайтириш режаларини ишлаб чиққан. Тадбиркорлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, нафақат молиявий, балки консалтинг хизмати кўрсатишни кенг йўлга қўйиб, уларни зарур ахборотлар билан таъминламоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Қонун барча учун баробар

Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори юзасидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ДАЪВОГАР ТАЛАБИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Пойтахт ва туман корхоналарини рўйхатга олиш бўлимлари томонидан кўплаб хўжалик юритувчи субъект ва якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахс рўйхатдан ўтказилди. Айни пайтда мазкур тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳуқуқий маслаҳат марказлари фаолият олиб боряпти. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш тамойили илгари амалда бўлган тартибга қараганда қатор афзалликларга эга. Масалан, авваллари юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтиш учун турли идораларга қатнаб, вақт сарфлаб, тегишли ҳужжатларни олиш учун қўшимча пул тўлашга мажбур бўлар эдилар. Тадбиркорлар эндиликда бундай ортиқча сарф-харажат ва сарсонгарчиликлардан қутулдилар.

Бироқ, айрим туман ҳокимликлари мутасаддилари томонидан тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш вақтида қонунга зид равишда Низомда кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш билан улар йўлига тўсиқ бўлиш ҳоллари учраб турибди. Масалан, фуқаро А.Захарченконинг Адлия бошқармасига ёзган шикоят хатида айтилишича, Ҳамза туман ҳокими ўринбосари Д.Абдусатторов ва ҳуқуқшунос К.Нормуродовлар «Инфил» хусусий фирмасини рўйхатдан ўтказишни рад қилиб, икки ой мобайнида сарсон-саргардон қилганлар. Улар кўзда тутилмаган ҳужжат – ижарага берилган жой кадастри йўқлигини рўкач қилишган.

Ушбу шикоят хати атрофлича ўрганиб чиқилиб, фуқаро А.Захарченкога етказилган 200 минг сўм маънавий зарарни ундириш юзасидан Миробод туманлараро фуқаролик ишлари судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари қаноатлантирилди: жавобгарлардан етказилган маънавий зарарни ундириш ва «Инфил» хусусий фирмасини белгиланган тартибда туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтказиш мажбурияти юкланди.

Б.ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бош мутахассиси.
Д.ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

2003 йил – Обод маҳалла йили

ЖАЛОЛҚУДУҚ ТАЖРИБАСИ

Тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, аҳиллик ҳукмрон бўлган жойдан маъмурчилик аримайди. Андижон вилояти Жалолқудуқ туманида маҳаллаларни ободонлаштириш, турар-жойларни саранжом-сариштa сақлашга жиддий эътибор қаратилаяпти.

Туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси, ҳокимлик ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда 2003 йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Бу муҳим ҳужжатда маҳаллаларнинг ҳаётимиздаги мавқеини ошириш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш тадбирлари белгилаб олинган.

— Давлат ҳокимиятининг қуйи бошқариш тизими жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисмидир, – дейди туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Б.Тошматова. – Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмагига таянган ҳолда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга, бева-бечора ва ногиронларга нафақат моддий ёрдам берилмоқда, балки алоҳида меҳр-эътибор қаратилмоқда.

Ёрқишлоқ, Бештол, Гулистон, Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинларида икки юздан ортиқ қарияларга ҳомийлар томонидан 1,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳудудда истиқомат қилаётган 47 нафар якка-ёлғиз қарияга 1,7 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Уларнинг уй-жойлари ҳомийлар томонидан таъмирланиб, бепул тиббий хизмат кўрсатилаяпти. Бундан ташқари, Жанубий Оламушук шаҳарчасида жойлашган ҳарбий қисмда аскарлар ва ота-оналар билан давра суҳбатлари ўтказилди. Ватан ҳимоячиларига совға-саломлар ҳадя этилди.

Ижтимоий ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Маҳалла посбони – халқ қалқони» кўрик-танловида фуқаролар осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган Сўфиқишлоқ, Ойим ва Ёрқишлоқ қишлоқ фуқаролар йиғинлари посбонлари совринли ўринларни эгаллашди. Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний», «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати туман бўлими, марказий касалхона ходимлари иштирокида 23-гимназия ҳамда 1-, 2-, 3, 5-мактабларда «Гиёҳвандлик – умр кушандаси», «Оғусиз дунё сари» мавзуларида ташкил этилган тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, мактаб, коллеж ва маҳаллаларда «Қариси бор уйнинг париси бор», «Кексалар насиҳати – олтиндан қиммат» мавзуларида уюштирилган учрашувлар ҳам ғоят қизиқарли ўтди.

Умуминсоний қадриятларга айланган ҳалоллик, бағрикенглик, инсонпарварлик фазилатларини мужассамлаштиришда жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳузурида турли спорт тўгараклари мунтазам фаолият олиб боряпти. «Футболимиз келажаги» ва «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларини ўтказиш эса яхши анъанага айланган. Вояга етмаган ёшлар ўртасида уюштирилган бундай мусобақаларда Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғини ўримидаги Тўрачеки маҳалласининг ёш футболчилари ғолибликни эгаллаб, вилоят босқичига йўлланма олдилар. Ўзбек ва белбоғли кураш беллашувларида эса Жалолқудуқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қорагул ва Охунбобоев шаҳридаги Кадаксин маҳалласи курашчилари ғолибликни қўлга киритдилар.

Бугун Жалолқудуқнинг оқсоқоллари ва фаоллари иштирокида бир миллион турдан ортиқ мевали дарахт кўчати экилди.

Маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни беқиёс. Жамиятимиз ҳаётининг ажралмас қисми ҳисобланган маҳаллаларни ободонлаштиришда Жалолқудуқ тажрибаси ғоят ибратлидир.

И.ИСОМУДДИНОВ.

Касаба уюшмалари бозор шароитида



2. БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ

Меҳнат жамоаларидаги муҳит, ишчанлик кайфияти, пировард натижа бошланғич касаба уюшма ташкилотининг маъмурият билан ҳамкорликдаги фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Қаерда ишловчилар учун қулай шарт-шароит яратилиб, ҳалол меҳнат, ташаббускорлик юксак қадрланаётган бўлса, ўша ерда юксалиш бўлиши табиий. Буни Гулистон ёғ экстракт ҳиссадорлик жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Солижон Тошбоев цехларда ишнинг бориши, одамлар кайфияти, ютуқларни кўпайтиришга хизмат қиладиган омиллар билан мунтазам қизиқади. Ходимлар билан суҳбатлашиб, меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш, хайрли ташаббусларни оммалаштириш, жонбозлик кўрсатиб фаолият юритаётганларни рағбатлантириш каби масалаларни доимий ўрганиб боради. Жонли мулоқот мобайнида баъзи бир муаммолар, камчиликлардан ҳам бохабар бўлинади. Касабақўм раиси улардан корхона раҳбарлари, қўмита аъзоларини хабардор қилади. Шундан сўнг цехлардаги ишчанлик муҳитини янада оширишга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиланади.

Эътиборлиси шуки, Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ходимлари, хусусан, раис Н.Акбаров мазкур корхонада ҳам тез-тез бўлиб, бошланғич ташкилот нуфузини, жанговарлигини оширишга кўмаклашади. Ишчилар билан учрашувларнинг бирида улар ҳиссадорлик жамиятида узоқ йил ишлаб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган нуронийларга эътиборни кучайтириш, «Саховат» ҳамда Қарияларга уйини таъмирлашга ҳисса қўшиш лозимлигини таъкидлашди. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши бу таклифни маъқуллаб имкон доирасида мадад кўрсатди. Натижада корхона кўпгина савобли ишларга муносиб ҳисса қўшди.

Бу ерда ходимларнинг ўртача ойлик маоши 60 минг сўмни ташкил этмоқда. Ижтимоий ҳимоя масалаларига эътибор кучайтирилган.

– «Шифобахш» профилакториямиздан унумли фойдаланаяпмиз, - дейди Солижон ака биз билан суҳбатда,- муҳими ходимларни шифо масканида бепул даволаш учун йил сайин кўп маблағ ажратилмоқда.

Оддий ишчилар И.Шамсиев, С.Ғайбуллаевларнинг таъкидлашича, касабақўм ходимларнинг яшаш шароити билан ҳам яхши таниш. Лозим бўлганида моддий мадад кўрсатилмоқда. Баъзида оддий бир эътибор, бир оғиз ширин сўз киши кўнглини тоғдек кўтаради. Шу боис, касаба уюшма фаоллари кўпроқ одамлар ҳузурига бориб, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлишга одатланишган.

Н.НИЁЗОВ.

Самарқанд шаҳридаги «Нафис» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган чинни маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Чунки бу ерда маҳсулотлар сифатига катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йили 13 миллион 354 минг дона чинни маҳсулотлари тайёрланиб, харидорларга етказиб берилди.

Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.



САМАРАЛИ ОМИЛЛАР

Кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан Муборак туманида ҳам бу соҳага эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб 700 тадан кўпроқ шундай тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Бу соҳанинг яқин йиллар ичида иқтисодиётимиз таркибида етакчи тармоққа айланиши жуда муҳимдир. У ишсизлик муаммосини ҳал этиш, ички бозорларимизни товарлар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашнинг энг самарали омили ҳисобланади.

Буни яхши англаб етган туман ҳокимлиги ҳамда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ишбилармонларга ҳар томонлама яқиндан кўмак бериб келмоқда. Чунончи, ҳужжатларни расмийлаштириш, тадбиркорликка оид фармонлар, қонунларни тушунтириш, уларни ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор қилиш ишларини муттасил олиб бормоқда. Хусусий тадбиркорлик, чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб келаётган бир қанча жисмоний ва юридик шахсларга банкдан 244 миллион сўмлик кредит олиш учун керакли ҳужжатларни тайёрлаб берди, бизнес-режа тузилишига кўмаклашди.

Палата қошида кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатувчи «Ахборотконсалтинг маркази» фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Туманда янги очилаётган тадбиркорлик тузилмалари, фермер-деҳқон хўжаликлари ва жисмоний шахсларга таъсис ҳужжатларни расмийлаштириш, ишни қандай бошлаш ва юритиш бўйича амалий маслаҳатлар бермоқда.

КОРХОНА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ОРТМОҚДА

Тошкент Тўқимачилик комбинати очиқ ҳиссадорлик жамиятида ўтган йили 11 минг 603 тонна калава ип, 52 миллион метр газлама ишлаб чиқарилди. Хорижга эса 3,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот сотилди. Бу 2001 йилдагидан анча кўпдир. Корхона маҳсулотлари бежиримлиги ва нафислиги, энг муҳими, юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Маҳсулот сифатини ошириш корхонанинг бош шиорига айланган. Хилма-хил ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида изланишлар давом этмоқда. Ҳозир корхонада 7 минг 500 нафар ишчи меҳнат қиляпти. Шундан 60 фоизи ёшлардир.

(ЎзА).

Меҳнат муҳофазаси

ХАВФСИЗ ИШ ШАРОИТИ

уни ким таъминлайди?

Меҳнатни муҳофаза қилиш касаба уюшмалари зиммасидаги энг асосий вазифалардан бири. Самарқанд вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг бу борадаги олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Масалан, ўтган йил таҳлили тармоқда касб касалликлари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисалар камайди.

Муҳими тармоқ касаба уюшмалари қўмитаси муаммолар ечими борасида иш берувчиларга амалий ёрдам кўрсатмоқда. Қўмитанинг навбатдаги раёсат мажлисида Каттақўрғон ва Самарқанд туманларидаги парранда-дачилик корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи муҳокама қилинди.

«Оҳалик- Ломанн-Парранда» тармоқдаги ягона қўшма корхонадир. Бу ерда 561 киши меҳнат қилади. Меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил қилишда корхонада амалга оширилаётган ишлардан ибрат олса арзийди.Чунки бу борада қонун талаблари, жамоа шартномаси мажбуриятлари банд-ма-банд бажарилган. Ходимлар белгиланган муддатда тиббий кўрикдан, хавфсизлик техникаси бўйича йўриқномадан ўтишади. Бу белгиланганига мувофиқ меҳнат муҳофазасига 4 миллион 670 минг сўм ажратилди. Шунинг 70 фоизи махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситаларига, қолгани махсус озиқ-овқатга, дори-дармонга, ювиш воситаларига, дасгохларни хавфсизлик синовидан ўтказишга сарфланди.

Бундан ташқари корхонада дам олиш, ювиниш хоналари мавжуд. 100 ўринли ошхона ишлаб турибди. Ходимларнинг ишга бориш-келишига махсус автобус ажратилган. Касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазасига доир масалалари бир неча марта муҳокама қилинган. Ишчиларнинг бу борадаги таклифлари умумлаштирилиб ўрганилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари «Самарқанд-парранда» акционерлик жамиятида ҳам ёмон эмас. Бу мақсадга бир тадбирлар ишга янги қабул қилинаётганлар учун алоҳида уюштирилади.

— Мазкур тадбирларнинг аҳамияти шундаки, бу орқали ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигига, ходимларнинг унумли ишлашига эришамиз,- дейди корхона директори Б. Рустамов. — Сабаби ҳар қандай фавқулодда ҳодиса ишлаб чиқаришга, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилади. Иқтисодиётга зарар етказади. Шунинг учун хавфсиз иш шароитига лозим ҳамма ишни ўз вақтида талаб даражасида бажаришга интиламиз. Ўтган йили жамоа шартномасида йилда 28 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилгани бежиз эмас. Лекин ходимларга хавфсизлик техникаси қоидаларини ўқитишда, масалаларни ўрганишда масъулиятсизлик қилинган. Талабчанлик бўшаштириб юборилгани боис айрим ходимлар ҳимоя воситаларисиз ишга киришганлар. Бу эса меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси А. Жабборов ҳамда бошқа мутасаддиларнинг бепарволиги оқибатидир.

«Каттақўрғон-парранда» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятидаги аҳвол кишини бироз ўйлантириб қўяди. Меҳнат муҳофазаси бўйича анчагина ишлар қилинган бўлса-да, муаммолар ҳали кўп. Энг аввало, корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш хонасини тўлиқ жихозлаш, ишлаб чиқариш бўлимларида хавфсизлик техникаси бурчаклари ташкил қилиш, ходимларни ўқитиш талаб этилади. Афсуски, корхона мутасаддилари ишга панжа орасидан қарашган. Ўтган йили, 13 нафар электрикдан бирортасининг ҳам билим малакаси синовдан ўтказилмаган. Таъмирчиларнинг махсус кийими, ҳимоя воситалари йўқ. Ишловчилар учун санитария-маиший хоналар етарли эмас. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари раҳбарият ва касабақўмда ўрганилмаган, ҳал қилиш чоралари кўрилмаган.

Энг ташвишланарли аҳвол «Ориён-парранда» фермер хўжалигидадир. Мазкур корхонада ўтган йили битта бахтсиз ҳодиса содир бўлишига йўл қўйилди. Сабаби масъулиятсизлиқ, эътиборсизлик. Масалан, жамоа шартномасига мувофиқ 2002 йилда меҳнат муҳофазасига 3.7 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган бўлса-да, ҳақиқатда эса бу маблағдан тўлиқ фойдаланилмаган. Текширув чоғида хавфсизлик техникаси қоидалари бузилган бир қанча ҳолатлар аниқланди. Нега бундай? Чунки меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандиси К. Содиқов зиммасига Ўзбекистон республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддасига хилоф равишда бошқа ишлаб чиқариш (лавозим) мажбуриятлари юкланган. Корхона директори С. Шомаҳмудов, касабақўм раиси А. Иброҳимов мазкур масалаларнинг аҳамиятини унутиб қўйган кўринишади.

Тармоқда меҳнат муҳофазаси борасидаги аҳволни вилоят касаба уюшма қўмитаси назоратга олди. Муаммоларни, нуқсонларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди.

Р. ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Сабоқ

ХАТО ТАН ОЛИНДИ

Баъзан ҳайрон қоласан киши. Туппа-тузук лавозимда ишлаб турган раҳбар ходимлар билиб туриб, ҳақиқатни эгмоқчи бўлишади. Сурхондарё вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ходимга эътибор масаласидаги бир таажжубли ҳол бунга мисол бўла олади.

Гап бундай бўлган. Институт ходими Халима Ақиева 2002 йилнинг 31 январидан 6 июнига қадар хомиладорлик таътилида бўлди. У ишга чиқиш ниятида эканлигини билдириб, институт ректори қабулига келди. Аммо ректор аёлдан кўнгил сўраш, масалани одилона ҳал этиш ўрнига баҳона излашга ўтди. У институтда кафедра тизими жорий этилганлиги боис иш ўринлари ўзгарганлигини важ қилиб, Х.Ақиева маркетинг бўлимида услубчи лавозимида ишлаши мумкинлигини, агар рози бўлмаса, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиши лозимлигини айтди. Кабинет мудири лавозимида ишлаб келган Х.Ақиева бу таклифга кўнмади. Орада келишмовчилик бошланди. Ходим ёрдам сўраб таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасига мурожаат этди.

Масала чуқур ўрганилгач, Меҳнат Кодекси бандлари бузилганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг институт раҳбари номига хат йўлланиб, Х.Ақиеванинг ҳақ-ҳуқуқи тикланиши зарурлиги, эслатиб ўтилди.

Қилинган саъй-ҳаракат зое кетмади. Касаба уюшмасининг аралашуви билан масала ижобий ҳал этилди. «Билмадим деб тутилган» хатосини тан олди. Унинг буйруғи билан Х.Ақиева тил ва адабиёт кафедрасига ўқитувчи вазифасига ўтказилди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ:

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчи 200____ йилга___-_____минг (миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олди ва уни қуйидагича тақсимлаб чиқади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича битим учун_____минг (миллион) сўм;
- махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун__-_____минг (миллион) сўм;
- сут маҳсулоти учун_____минг (миллион) сўм;
- ювиш воситаси учун_____минг (миллион) сўм.

Ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчида_____
Касаба уюшма қўмитасида_____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (илова 1), меҳнатни муҳофаза қилишга ва унинг шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар уларга маблағ ажратиш ва таъминлашнинг 2-рўйхат шаклида тузиб жамоа шартномасига илова қилинади.

2.Ҳар бир иш жойга мослаб иш шароити бўйича тартиб, қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқади. Бу тартиб, қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва иш вақти ҳамда дам олиш тартиби, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

Иш шароити тартиб қоидалари — йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг _____фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиш муносабати, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятни олади.

3. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларига ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАК). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.к.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира йўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхоналарни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак).

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг _____гача топшириш мажбуриятини олади.

12____ сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг ораликлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўташ билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);
- хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;
- меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;
- корхона (таркибий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;
- ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;
- ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишларни ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;
- цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этилиши керак.

КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

ИШ БЕРУВЧИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИНИНГ ЎЗАРО МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшмаси органини иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча теғишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ, турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб, номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлигига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ қуйидагича ҳақ тўлайди:

- шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоида кўзда тутилганга нисбатан _____ фоиз кўп миқдорларда бир марта тўланадиган нафақа;

қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда _____ фоиздан _____ фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлайди, шунингдек, диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

- иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастлангани натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Илова № _____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона, муассаса, ташкилот ва ҳоказо

№	Тадбирлар (ишлар мазмуни)	Ҳисоботга олиш бирлиги	Миқдори	Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида)	Тадбирларнинг бажарилиш муддати	Ижро учун масъул	Кутилган ижтимоий самара	
							Меҳнат шароити яхшиланиши керак	Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар
							Жами, шу жумладан	Жами, шу жумладан

1.
2.
3.
4.
5.

Корхона раҳбари — Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

Илова № _____

Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Берилиши керак бўлган махсус уст-бош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари	Ой ҳисобида кийилиш муддати

1.
2.
3.
4.
5.

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи	Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак

1.
2.
3.

Илова № _____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи	Овқатланиш рациони

1.
2.
3.

Илова № ____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи

1.
2.
3.

ЎзКУФКнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир

ЎЗБЕКНИ ДЎППИСИДАН ТАНИШАДИ

Юртга борсанг унинг бозорини кўр, дейишади. Чунки бозорлар тўкинлиги юрт фаровонлигини белгилайди.

Биргина Қарши шаҳрида кейинги йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилган «Еркўрғон», «Фарҳод», «Осиё» бозорларида сотувчи ва харидорлар учун жуда катта қулайликлар яратилган. Пештахталарда юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сероб.

Шаҳар тижорат бозори очиқ ҳиссадорлик жамияти вилоят марказидаги энг гавжум жойлардан. Бу ерда асосан тижорат воситаси ва миллий ҳунармандчилик моллари билан савдо қилинади. Айниқса, чеварлар қўлида сайқал топган миллий ҳунармандчилик моллари савдоси қизғин. Расталардаги бир-биридан чиройли, меҳр ила яратилган келин-куёвлар либоси, дўппи, тўй болаларга аталган тўн, белбоғ харидорни беихтиёр ўзига жалб қилади.

– Зардўзлик бизга авлодларимиздан мерос, – дейди Муборак опа Қурбонова. – Хонадонга келин бўлиб тушган пайтим эсимда. Қайнопам Муҳаррам ая қўлимга ип ва игна тутқазиб, зардўзлик сирларини эринмай ўргатдилар. Шу-шу бу касбга меҳр қўйиб қолдим. Шунга ҳам 35 йил бўлибди.

Дарвоқе, Қарши шаҳрининг «Дарвозатутак» маҳалласида яшаётган Қурбоновлар оиласи зардўзлик соҳасида каттагина тажриба орттирганлардан. Қўшниларнинг қизлари ҳам Муборак опадан бу касб сирларини ўрганишмоқда. Синглиси Розия Жабборова, қизлари Санобар, Раъно, Гулнора, Гулжаҳон оналари йўлидан бориб, халққа хизмат кўрсатишяпти.

– Қизим Гулшан касб-ҳунар коллежида зардўзлик касбидан талабаларга сабоқ беради, – дейди опа. – Кенжа қизим Санобар эса Бухоро зардўзлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Юртимиз тўю-томошалари билан файзли. Ҳар бир инсон тўй қилиб, элга дастурхон ёзсам дейди. Айниқса, тўй бола эгнидаги зар тўн, бошидаги зар салла, келинларнинг устидаги зардўз либосга боқиб тўймайсиз. Дилингиздан ўтган сўзлар тилингизга чиқиб, ана шу бежирим либослар соҳибаларига раҳмат деб юборганингизни сезмай қоласиз.

Шаҳардаги «Харамжўй» маҳалласида истиқомат қилаётган кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга Бўстон опа тиккан дўппиларнинг довруғи бутун шаҳарга ёйилган. У маҳалла ёшларини ҳам ўз касбидан баҳраманд қилаётир. 5 нафар фарзанд, неча-неча набираларнинг суюкли бувиси бўлган Бўстон опа ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳамиша харидоргир.

Бозорда ҳар куни ўрта ҳисобда 350-400 минг сўм атрофида савдо айланмаси бор. Бу ерда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ қаттиқ назорат ўрнатилган.

Халқимиз Янги йилни яхши кайфиятда қаршилади. Унинг эртанги кунга ишончи баланд. Юртимиз обод ва фаровонлиги бозорлардаги тўкинчиликдан далолат беряпти.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.

Футбол

«ИТЕРА» ТУРНИРИ

Куни кеча Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Итера» турнирида иштирок этиш учун Москвага учиб кетди. Юртдошларимиз «С» гуруҳида Украина чемпиони «Шахтёр» (Донецк), Литванинг «Каунас» ҳамда Озорбайжон ёшлар терма жамоасига қарши майдонга тушади. Гуруҳдан икки ғолиб жамоа чорак финалга йўл олади. Осиё чемпионлар лигаси баҳсларига қизғин тайёргарлик кўраётган тошкентликлар, ўз таркибларига Бахтиёр Ҳамидуллаев («Андижон»), Олег Гавриц («Сўғдиёна»), Асрор Алиқулов («Насаф»), Александр Крохмал («Украина»), Музаффар Ҳоликов («Дўстлик»), Даврон Одилов («Навбаҳор»), Дониёр Досонов («Сўғдиёна») каби иқтидорли ёшларни жалб этди. Ўз навбатида «Пахтакор»ни Александр Гейнрих тарк этди. У энди Москванинг ЦСКА жамоасида тўп суради. Ўйинлар 18 январдан 26 январгача давом этади. «Пахтакор» ўзининг биринчи ўйинини эртага «Шахтёр» жамоасига қарши ўтказади.

Теннис

УМИД – ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИДАН

Австралияда «Катта дублга» туркумига кирувчи «Австралиан OPEN» турнири давом этмоқда. Унда иштирок этаётган юртдошларимиз Ирода Тўлаганова ҳамда Вадим Куценколар саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтиб, финал босқичининг биринчи турида ҳам зафар қучдилар. Иккинчи турда Ирода жаҳон теннис рейтингида 9-ўринни банд этиб турган машҳур теннисчи Линдсий Девонпортга қарши кортга чиқди. Муросасиз ўтган баҳснинг, сўнгги дақиқаларида Ирода имкониятни бой берди. Энди Ирода баҳсларни жуфтликда давом эттиради. Эркаклар баҳсида Вадим Куценко марокашлик Юнус Ал-Айнауга қарши кортга чиқади.

А.ЮНУСОВ.

Пири бадавлатларимиз

КИМСАНБОЙ БОБО ЧИНОРЛАРИ

Мулла Кимсанбой бобо Саллаев 110 ёшга кирди. Марҳамат шаҳрининг «Наврўз» маҳалла аҳли қутлуғ санани зўр хурсандчилик билан нишонлади. Бобо ўғил-қизлари даврасида бардам тетик умргузаронлик қилмоқда. 35 нафар невара, 59 нафар чевара, 2 нафар эвараси бор. Кенжа ўғли 60 ёшга кирди. Қизлари Маҳфиратжон халқ таълими аълочиси, «Соғлом авлод» ордени нишондори, 22-боғча мудираси, меҳнат фахрийси, Маҳбубахон эса Увайсий номли 42-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси. Дарвоқе, бобонинг яна етти невараси ҳам ушбу машақатли, аммо савобли касбни танлаган.Уларнинг 4 нафари Фарғона педагогика университети ва техника олийгоҳида талабаларга сабоқ беришади. Шунингдек, бобонинг яна бир ўғли Сидиқжон туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида муҳандислик қилади. Музаффаржон туман нефт маҳсулотлари корхонасида, Бахтиёржон туман солиқ инспекциясида ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди, Равшанбек эса Агробизнес коллежида ҳуқуқшунослик бўлимида етакчи-катта ўқитувчи бўлиб ишлайди. Фарзандларини эл корига ярайдиган, инсонлар этиб тарбиялаб вояга етказган табаррук ота бугун улардан кўнгли тинч. Ҳаётимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳам жуда қизиқади. Радио эшитиб, телевизор кўради. Газета-журналларни невара — чевараларига ўқитиб барча янгиликлардан хабардор бўлиб боради. Президентимизнинг 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганидан бобонинг боши осмонга етди.

— Энди маҳаллаларимиз обод, мамлакатимиз янада осойишта бўлади, — дейди қувончини ичига сиғдиролмай бобо.

Кимсанбой бобо юрт тинчлиги учун курашаётган, элимизни қадрлаётган Юртбошимизни алқаб дуо қилиб, яратганга шукроналар айтади. Зеро, боболаримиз дуоси ижобат бўлғусидир.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
меҳнат фахрийси.

Оммавийликдан маҳорат сари

Нафақат мамлакат, балки жаҳон миқёсида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар сафида мирзачўлликларнинг ҳам борлиги қувонарли ҳолдир. Айни кунларда Сирдарё вилояти бўйича 1645 та спорт иншооти саломатлик гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Қарийб 150 минг нафарга яқин ёшлар турли спорт тўгаракларига жалб этилган. Улар тажрибали мураббийлар қўмагида ўз маҳоратларини оширмоқда.

СПОРТ ИНШООТИ САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ташкилотлар, тармоқ ходимлари, мактаб ёшлари ўртасида қизғин беллашувлар ташкил этиш анъанага айланиб қолди. Ўтган йили воҳамиз спортчилари ҳаётида ёрқин бурилиш бўлди, десак янглишмаймиз. Йигирмадан ошиқ халқаро беллашувларда вилоятимиз спортчилари иштирок этди. Касаба уюшма жамияти спортчиси Умид Аҳмедов Мисрда армреслинг бўйича жаҳон чемпионатида дунё полвонларини ортда қолдириб, тўрт маротаба дунё чемпиони деган шарафли номни қўлга киритди. Эркин кураш бўйича Раҳима Юнусова эришаётган ютуқлар ҳам мақтовга лойиқ. Иқтидорли спортчи Жаҳонгир Кўчмуродов Грециядa бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, Осиё ўйинларида қатнашган Людмила Дмитриади, Виталий Силаев, Сергей Якубовлар фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Остона шаҳрида таэквандо (ИТФ) йўналишидаги Осиё чемпионати баҳсларида Рустам Ҳамроев ва Владислав Нам мутлақ ғолибликни қўлга киритишди.

«Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармон зиммамизга катта вазифаларни юклайди. Бугунги кунда жамиятимиз қошида фаолият кўрсатаётган спорт мактаблари ўз ишини тубдан янгилаш, тўгаракларга кўпроқ ёшларни жалб этишга интилмоқда. Тўғри, машғулот майдонлари қисман талаблар даражасида бўлмаса-да, аммо шуғулланиш учун шароит бор. Эндиликда Фармон шарофати билан моддий базамиз мустаҳкамланиб, талаблар даражасидаги майдончалар ва мажмуаларга эга бўлиш имкони туғилди. Болалар спорти бўйича устозлар ва педагог кадрларни мамлакатимизнинг етакчи илмий ҳамда таълим марказларида тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш кўзда тутилганлиги спорт жамоатчилигини ҳам мамнун этди.

Спорт мураббийдан фидойиликни талаб этади. Мурод Умаров, Қурбон Қўпишев, Роза Зангурова, Абдулла Кўчмуродовлар қўлида тарбия топган шогирдлар мусобақаларда муносиб қатнашмоқда.

Вилоятимиздаги қатор ташкилотлар ўз спорт базаларига ҳам эга эканлиги ишларимизнинг олға силжишини таъминламоқда. Масалан «Сирдарётелеком» корхонасида ташкил топган футбол жамоаси нафақат вилоят, балки республика мусобақаларида ҳам фаол иштирок этаётир. Шунингдек, «Гулистон ёғ экстракт» заводи,«Сирдарёгазтаъминот», «Сирдарёпахтасаноат» тизими корхоналарида ҳам оммавий спорт ишлари яхши йўлга қўйилган.

Меҳнаткашларни спортга ошно этиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунан бойитиш бизнинг бош мақсадимиздир. Бу йўлда изланишлардан тинмаймиз.

Воҳид ТУРДИЕВ,
Сирдарё вилояти касаба уюшмалари спорт жамияти раиси муовини.
Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Самарқандда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган анъанавий «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди.

Мусобақаларда 2 минг 800 нафар 5-7-синф ўқувчилари 18 жамоа таркибида иштирок этди. «Умид ниҳоллари»нинг туман босқичида ғолиб бўлган ушбу жамоалар спортнинг 11 тури бўйича ўзаро беллашди. Барча турларда муваффақиятли иштирок этган Пастдарғом, Темирйўл, Ургут, Самарқанд тумани ўқувчилари умумжамоа ҳисобида юқори ўринларни қўлга киритиб, мусобақа ташкилотчилари ҳамда ҳомийларнинг қимматбаҳо совғаларига сазовор бўлишди.

(ЎзА).

Тиббиёт мўъжизалари

ОҒРИҚСИЗ МУОЛАЖА

Эмишки, киши ўз қишлоғи ёки маҳалласи қанақалигини билмоқчи бўлса, олисроқдан, масалан, бирон тепаликдан ёки баландроқ ўсган дарахт тепасидан назар солса, ҳақиқий манзараси, салобати билинармиш.

Дарҳақиқат, катта шаҳарда яшаганингиз билан у ердаги таниш-билишларингизнинг қандай инсонлиги, барча фазилатларини пайқай олмас экансиз. Одамлар оғзидан бол томиб таърифлайдиган Абдужаббор Ғоффоровни узоқ йиллардан бери танийман ва яхши биламан. Оддий, камтарин инсон, ўз соҳасини пухта эгаллаган тиббиёт мутахассисларидан. Очиғи, касал бўлмайдиган иссиқ жоннинг ўзи йўқ. Жумладан, менинг ҳам бир неча бор ишим тушган, муолажаларини олганман, маслаҳатлари асосида даво топиб кетганман. Бир гал учрашганимизда нафақа ёшига етаётганлигини, лекин барибир уйда бекор ўтирилмаслигини, хусусий тармоқ очиб даволаш билан шуғулланмоқчи эканлигини айтган эди. Яқинда эшитсам, Ғоффоров мақсадини амалга оширибди ва у бу соҳада арзирли натижаларга эришиб, довруғи қўшни вилоятларга ҳам бориб етибди. Қадрдонимнинг муваффақиятларидан қувондим.

А.Ғоффоров мактабдаёқ серҳаракатлиги ва тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Ўнинчи синфни битираётганида касб танлаш масаласида иккиланмади. Боиси, отаси арзимаган касалликдан, тиббиёт ходимларнинг бепарволиги ва вақтида тўғри ташхис қўймаганликлари оқибатида вафот этган эди. Бу эса ёш Абдужаббор қалбида бир умрга армонли из қолдирганди ва улғайса, бошқалар отаси сингари барвақт вафот этиб кетмасликлари учун албатта шифокор бўлишга аҳд қилиб қўйганди. Мактабда яхши ўқиганлиги учун Андижон тиббиёт олийгоҳига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Қўлига шифокорлик гувоҳномасини олиб қайтгач вилоят шифохонасига ишга жойлашди. Бу ерда қалби дарё ва ўз соҳасининг етук мутахассисларидан саналган Файзулла Абдуллаев қўлида иш ўргана бошлади. Бир йил ўтар-ўтмас мустақил равишда ташхис қўйиш ва муолажаларни уюштириш йўлларини ўрганиб олди. Ширин сўз, доимо кулиб турадиган, ҳамиша беморларга яхшиликни кўзлайдиган йигит жамоада ҳам обрў-эътибор қозонди. Қатор нуфузли касалхоналарда бўлим мудири, бош шифокор ўринбосари вазифаларида фаолият кўрсатди. Пойтахтда ва қатор шаҳарларда малака оширди, вилоятдаги таниқли тиббиёт ходимларидан бирига айланди.

Вақт дарё, умр оқар сув, деганлари тўғри экан. Ниҳоят икки йил бурун А.Ғоффоров меҳнат нафақасига чиқди. Аммо уйда тинч ўтиришни лозим кўрмади. Институтда тиббиёт алломаларидан, меҳнат жараёнида тажрибали шифокорлардан олган билими ва малакасини эл саломатлиги йўлида сарф эттириш учун Наманган шаҳрининг Ҳамза кўчасида икки хонани ижарага олиб тиббиёт шоҳобчаси очди, Аввало, бу ерни зарур тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлади. Автомобилини сотди, қарз-ҳавола олди, хуллас, тўғри ташхис қўйиш ва даволаш учун ишлатиладиган ҳамма нарсани муҳайё этди. Масаланинг яна бир жиҳати бор: маълумки, ҳозир зарур дори-дармонларни сотиб олиш ҳам осон эмас. Шуни назарда тутган ҳолда ишлади. Бу борада унга вилоятдаги тиббиётдаги янги йўналиш-вертеброневрология (умуртқа поғоналари билан боғлиқ касалликларни даволаш усули)ни пухта эгаллаган Камолиддин Эшонов ёрдамга келди.

–Кейинги вақтда ҳамма ерда юрак-қонтомир касалликлари билан бир қаторда остеохондроз, спандилоз сингари умуртқа поғоналарининг асаб толачаларини қисиб қолишлиги билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда, - дейди А.Ғоффоров. – Бундай касалликларга чалинганларнинг бошлари қизиб оғрийди ва айланади. Кўзларнинг туби толади ва ачишиб азоб беради. Томоқ ва танглайга нимадир тиқилгандай туюлади. Қулоқ шанғиллайди, уйқу йўқолади, гоҳо нарсалар кўзга қўшалоқ кўринади. Бўйин ва гардан толиб оғришлиги ҳам юз беради. Кўпинча, бунда ҳеч қандай дори-дармон кор бермайди. Шунда мутахассисимиз Камолиддин Эшонов муолажалари асқотади. Бир курс охирламасданоқ бемор ўзини яхши ҳис эта бошлайди. Касаллик белгилари йўқолади. Бу муолажалар ҳеч қандай дори-дармонсиз, машқ муолажалари ёрдамида амалга оширилади.

А.Ғоффоров тилга олиб ўтган касаллик белгилари билан бу ерга келган ва «Таклиф ва мулоҳазалар дафтари»га ёзиб қолдирилган косонсойлик Абдуқодир Кўчқоров, андижонлик Маҳмуд Раҳматуллаев, фарғоналик Тошпўлат Мамадалиев ва бошқаларнинг дил сўзларини ўқир экансиз, ушбу хусусий тиббиёт тармоғи беморлар дардига шифо бериб таҳсин олаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ИЛМИЙ МАРКАЗ

Андижонда мамлакатимиз Фанлар академиясининг илмий маркази бир йилдан ортиқ вақтдан бери фаолият кўрсатмоқда. Андижон ва Наманган вилоятлари олимларини бирлаштирган марказ уларнинг илмий изланишларини мувофиқлаштиради ҳамда қўллаб-қувватлайди.

Ўлка тарихини ўрганиш, маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, тикланадиган энергия манбаларини излаш марказ фаолиятининг устувор йўналишлари саналади.

Ҳозирги вақтда марказ ёрдамида физика ва тарих бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Тарихчилар изланишлари натижасида жадидчилик ҳаракатига оид ёзма манбалар, шу жумладан «Ислоҳ» газетасининг бир неча нусхаси топилди. Марказ ходимлари швейцариялик ҳамкасблари билан бирга астрономия соҳасидаги халқаро лойиҳани ишлаб чиқишда иштирок этмоқда.

БИЛИМДОН КУТУБХОНАЧИ

Зулфия Рўзиева Олот туманидаги 24-тармоқ кутубхонасида ишлайди. Зиё маскани унчалик катта эмас - 7 минг нусха бадиий, илмий-оммабоп китоб бор, холос.

Зулфия ўтган йили кутубхоначилар ўртасида илк бор ўтказилган «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловининг Бухоро вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллаган эди. Танловнинг финал босқичиға йўлланма олган кутубхоначи Тошкентдан ҳам яхши натижа билан қайтди. У Президент асарларидан тест топшириб, реферат ёзиш, асарларни шарҳлаш, китоблар кўргазмасини тайёрлаш шартлари бўйича юқори балл тўплаб, иккинчи ўринни қўлга киритди.

Зулфия меҳнат қилаётган мўъжазгина кутубхонага Президент асарлари совға қилинди, унинг ўзи эса пул мукофоти билан тақдирланди.

(ЎзА).

Бу турфа олам

ШИШАСОЗЛИК ТАРИХИДАН

Шишасозлик қадимдан маълум. Чунончи, эрамиздан аввалги III-II минг йилликларга мансуб бўлган шиша мунчоқлар Кавказдан топилган.

Бундай мунчоқларни Ўрта Осиёнинг Жанубий ҳудудларида, асосан, Жанубий Туркмани стон ҳудудида яшаган деҳқончилик билан шуғулланувчи қабилалар ҳамда Шимолий ҳудудларда яшаган ва қадимги андрон маданияти даврида ўтган деҳқон қабилалари безак сифатида ишлатганлар.

Кейинги вақтларда Ўзбекистон ҳудудида олиб борилган тадқиқотлар Ўрта Осиёда маҳаллий шишасозлик эрамиздан аввалги даврнинг сўнгги асрлари ва эранинг биринчи асрларида юзага келганидан дарак беради.

Ўрта Осиёда шишасозликнинг энг гуллаган вақти ўрта асрларга – мўғуллар истилосигача бўлган даврга тўғри келади. Бу даврда ўлкадаги қарийб ҳар бир шаҳарда катта-кичик шишасозлик устахоналари бўлган.

Меъморчилик иншоотлари қурилишининг авж олиши шишасозликни бошқа йўлдан ривожланишга – турли хил гулдор сирли сопол тахтача ва ғиштчаларга рангдор шишалардан нақш тушириш томонига йўналтирди. XIV-XV асрлардаги Самарқанд ёдгорликларида ана шундай шиша безаклар жуда кўп учрайди.

АСАЛАРИ ЗАҲАРИ

АҚШнинг Калифорния штати биологларининг аниқлашларича, асалари заҳари радиактив нурланиш таъсиридан сақлар экан. Олимлар буни амалда синаб кўриш учун ўнта сичқон олиб, шундан 8 тасининг танасига асалари заҳари юборишган.

Кейин ҳамма сичқонларни радиациянинг ўлдирувчи миқдоридаги нурига рўпара қилишди. Шунда асалари заҳари юборилмаган иккита сичқон дарров ўлган.

Танасида асалари заҳари бўлган 8 таси эса тирик қолган.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5